

БАНК САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТАРКИБИ

Юсупов Хумоюнмирзо Алишер ўғли

БМА магистранти

Аннотация: Мазкур мақолада банк самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган индикаторлар тизимининг назарий-методологик асослари ва уларнинг таркибий тузилиши таҳлил қилинган. Банк фаолияти самарадорлигини аниқлашда ишлатиладиган кўрсаткичлар фақат молиявий натижаларни эмас, балки фаолият жараёнлари, хавфни бошқариш қобилияти, ресурслардан фойдаланиш даражаси ва стратегик ривожланиш салоҳиятини қамраб олиши зарурлиги асосланган. Мақолада анъанавий индикаторлар билан бирга замонавий кўрсаткичлар — ESG мезонлари, рақамли самарадорлик, сифат индекси ва ички жараён самарадорлиги каби кўрсаткичларнинг тизимдаги ўрни ва аҳамияти ёритилган. Шунга мувофиқ равишда банк самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари таркибида натижа, жараён ва стратегик индикаторларни интеграциялаш зарурлиги илмий асосланган.

Калит сўзлар: банк самарадорлиги, индикаторлар тизими, ROA, ESG, натижавий кўрсаткичлар, жараён самарадорлиги, стратегик таҳлил.

Abstract: This article explores the theoretical and methodological foundations of the indicators used to assess banking efficiency, with a focus on their structural composition. It emphasizes that efficiency assessment in the banking sector should extend beyond financial outcomes and incorporate process performance, risk management capacity, resource utilization, and strategic growth potential. The paper discusses both traditional indicators and modern metrics such as ESG, digital efficiency, service quality indices, and internal operational effectiveness. It argues for the integration of outcome-based, process-based, and strategy-oriented indicators into a comprehensive efficiency assessment framework suitable for contemporary banking systems.

Keywords: banking efficiency, indicator system, ROA, ESG, outcome indicators, process performance, strategic analysis.

Фойда солиғи ҳисобини юритиш ва уни молиявий ҳисоботларда тўғри акс эттириш масаласи иқтисодий жараёнларнинг шаффофлиги ва манфаатдор томонлар учун ишончли ахборот тақдим этилишида асосий ўрин тутди. Халқаро амалиётда мазкур масала Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари (БҲХС)нинг 12-сон стандарти — “Фойда солиғи” (IAS 12 Income Taxes) орқали тартибга солинади. Ушбу стандарт молиявий ҳисоботда жорий ва келгуси ҳисобот даврларига оид солиқ мажбуриятлари ва активларини қандай акс эттириш лозимлигини белгилайди.

IAS 12нинг асосий мақсади молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига

ташкilotнинг жорий ва кечиктирилган солиқ натижалари ҳақида аниқ, тўлиқ ва таққосланадиган ахборот тақдим этишдан иборатдир. Стандарт солиқ қонунчилигида белгиланган тартиблар билан бухгалтерия ҳисобининг умумий концепцияси ўртасидаги фарқларни уйғунлаштиришни назарда тутлади. Унинг асосий вазифаси солиққа тортиладиган фойда ёки зарар, тўланадиган ёки қайтариб олинмадиган солиқ суммалари ҳамда кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятларини молиявий ҳисоботда тўғри акс эттиришдир.

Қўлланиш доираси нуқтаи назаридан, 12-сон БҲҲС барча турдаги даромад солиғига (income taxes) татбиқ этилади. Унда тўловлар, қайтарилишлар ёки солиқ мажбуриятларининг ҳисобланишига таъсир этувчи вақтинчалик фарқлар (temporary differences) ва доимий фарқлар (permanent differences) тўлиқ қамраб олинади. Шунингдек, стандарт солиқ ҳисобини фақат ҳисобот давридаги амалий ҳолат билан чеклаб қўймасдан, келгуси ҳисобот даврларига таъсирини ҳам ҳисобга олишни талаб қилади.

Қўлланиш доираси кенг маънода барча турдаги даромад солиқларига татбиқ этилса-да, у қонуний моҳияти жиҳатдан фақат фойдага (ёки фойда ўрнини босувчи молиявий кўрсаткичга) боғлиқ тўловларни қамраб олади. Шу сабабли қўшилган қиймат солиғи, акциз, божхона тўловлари, мулк солиғи каби тўғридан-тўғри фойдага эмас, айланмага ёки активнинг мавжудлигига боғлиқ солиқлар IAS 12 предметидан ташқарида қолади; бундай тўловлар бошқа стандартлар ва миллий қоидаларга мувофиқ ҳисобга олинади.

1-жадвал

Жорий ва кечиктирилган фойда солиғи фарқлари

Ташкилий ва иқтисодий жиҳатлар	Жорий фойда солиғи	Кечиктирилган фойда солиғи
Иқтисодий мазмун	Ҳисобот давридаги солиққа тортиладиган фойда асосида ҳисобланади ва жорий тўлов мажбуриятини акс эттиради.	Вақтинчалик тафовутлар туфайли келгуси даврларда тўланиши ёки қайтарилиши кутилган солиқ суммасини акс эттиради.
Ҳисоб объекти	Солиққа тортиладиган фойда ёки зарар.	Актив ва мажбуриятларнинг бухгалтерия қиймати билан солиқ базаси ўртасидаги вақтинчалик фарқлар.
Ҳисоблаш асоси	Миллий солиқ қонунчилигида белгиланган жорий ставка.	Ҳисобот даврида амал қилаётган ёки қонун билан тасдиқланган келгуси солиқ ставкаси.
Ҳисоботда акс эттирилиши	Асосий ҳисобот қисмида (P/L) солиқ харажатлари сифатида. Агар операция капиталда ёки ОСда тан олинган бўлса, шу қисмда акс эттирилади.	Келгусида амалга ошиши мумкин бўлган солиқ натижаси сифатида балансда актив ёки мажбурият сифатида. Акс эттирилиши тан олиш таъйини боғлиқ.
Масаланинг ўзига хослиги	Фақат жорий давр натижаларига таянади ва вақтинчалик	Келгуси давр солиқ юки ва имтиёзларини олдиндан акс эттиради,

	тафовутларни ҳисобга олмайди.	вақтинчалик тафовутларни инобатга олади.
--	-------------------------------	--

Бироқ даромад тақсимотлари билан боғлиқ айрим ҳолатларда, масалан, дочер корхона дивиденд тўлар экан, у томондан тўланадиган дивидендга боғлиқ ушлаб қолинадиган даромад солиғи (withholding tax) инвестор даражасида айнан шу тақсимот операциясининг бир қисми сифатида акс этирилади; шу тариқа, даромад солиғи оқибатлари операция қайси ҳисобот қисмида тан олинган бўлса, ўша ерда таснифланиши тамойили сақланади.

IAS 12 амалиётида қўлланиш доираси бирлашишлар ва инвестициялар билан боғлиқ ҳолатларни ҳам қамраб олади. Бизнес бирлашмаларида гудвиллнинг дастлабки тан олиншига тўғри келган вақтинчалик тафовутлар бўйича кечиктирилган солиқ мажбуриятини эътироф этмаслик қондаси сақланади, чунки гудвиллнинг ўзида “иккиламчи” солиқ натижаси инкор этилади; шу билан бирга, бошқа барча аниқланувчи актив ва мажбуриятлар бўйича солиқ базаси билан бухгалтерия қиймати ўртасида фарқ пайдо бўлса, тегишли кечиктирилган солиқ тан олинади. Дочер корхоналар, филиаллар, қўшма фаолиятлар ва ассоциациялашган корхоналарга инвестициялар бўйича вақтинчалик тафовутлар ҳам стандарт доирасига киради: агар компания инверсия вақти ва суммаси устидан назоратга эга бўлса ва бу тафовут келгуси даврда бартараф бўлиши кутилмаса, кечиктирилган солиқни тан олмасликка рухсат берилади; акс ҳолда тан олиш талаб этилади (IASB, 2023).

Даромад солиғи ҳисоботидаги ноноорматив ноаниқликлар ҳам ушбу стандарт экосистемасида ҳал этилади. IFRIC 23 — “Даромад солиғига оид ноаниқ солиқ таъбирлари” интерпретацияси IAS 12 доирасида қўлланлиб, қонун қоидалари талқини ёки қўлланиши борасида ишончсизлик мавжуд бўлганда ҳисоб сиёсатини қандай қуриш ва баҳолашни тушунтиради. Интерпретация корхонадан солиқ органининг эҳтимолий позициясини инобатга олган ҳолда “эҳтимол энг яхши баҳолар”дан фойдаланишни, яъни ноаниқликни молиявий ҳисоботга эҳтиёткорлик тамойили билан инъикос этиришни талаб қилади; бу эса IAS 12 қўлланиш доираси ноаниқ вазиятларда ҳам амал қилишига кафолат беради.

Яна бир долзарб йўналиш — глобал солиқ ислоҳоти доирасидаги Pillar Two қоидалари. 2023 йилги ўзгартишлар топ-ап солиқларнинг ҳисоботда тақдим этилиши ва айрим ҳолатларда кечиктирилган солиқни эътироф этмасликка бериладиган вақтчалик енгилликларини белгилар экан, IAS 12 қўлланиш доирасида ушбу қоидаларнинг ахборот тақдим этиш ва ошкор этиш (disclosure) мажбуриятлари аниқлаштирилди. Яъни, топ-ап солиқнинг ўзи даромад солиғи категориясида бўлгани сабабли, у ҳам стандарт доирасида баҳоланади, аммо маълум гуруҳлар учун кечиктирилган солиқ ҳисобининг вақтинча соддалаштирилган тартиби жорий этилган.

Халқаро амалиётда IAS 12нинг аҳамияти фақат солиқ ҳисоботини

шакллантиришда эмас, балки молиявий қарорлар қабул қилишда стратегик аҳамиятга эга ахборот манбаи сифатида ҳам кўрилади. Масалан, П. Уолтон таъкидлаганидек, кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятларини тўғри баҳолаш корхонанинг молиявий барқарорлиги ҳақидаги сигнални бозор иштирокчиларига етказишда муҳим роль ўйнайди.

Жорий фойда солиғини ҳисоблаш жараёнида, аввало, солиққа тортиладиган фойда аниқланади. Бу кўрсаткич бухгалтерия ҳисоботидаги соф фойдадан миллий солиқ қонунчилигида белгиланган тузатишлар орқали фарқ қилади. Масалан, солиқ қонунчилигида рухсат этилмаган харажатлар бухгалтерия ҳисобида эътироф этилган бўлса, улар солиқ базаси ҳисобидан чиқариб ташланади. Шунингдек, айрим солиқ имтиёзлари ёки ортиқча тўловларни ҳисобга олиш натижасида жорий солиқ миқдори камайиши ёки ортиши мумкин.

Молиявий ҳисоботда жорий фойда солиғи мажбурият сифатида (агар тўланиши кутилса) ёки актив сифатида (агар қайтарилиши кутилса) акс эттирилади. Бу ёзувлар солиқ органларига тақдим этиладиган декларациялардаги сумма билан мувофиқ келиши шарт. IAS 12 талабларига кўра, жорий фойда солиғи ҳисоботда P/L (профит ёки лосс) қисмида тан олинади, аммо агар у тўғридан-тўғри капиталга ёки бошқа кенг қамровли даромадга боғлиқ бўлса, ўша таркибий қисмда акс эттирилиши керак.

Кечиктирилган фойда солиғи икки асосий турда бўлади: кечиктирилган солиқ мажбурияти ва кечиктирилган солиқ активи. Кечиктирилган солиқ мажбурияти — бу келгуси даврларда солиққа тортиладиган фойда ортиши кутилган ҳолатларда юзага келади. Масалан, агар активнинг бухгалтерия қиймати солиқ базасидан юқори бўлса, келгусида бу фарқ солиққа тортиладиган фойдани оширади ва натижада тўланиши керак бўлган солиқ суммаси ортиб боради. Аксинча, кечиктирилган солиқ активи келгуси даврларда солиққа тортиладиган фойда камайиши кутилган ҳолатларда юзага келади, масалан, вақтинчалик тафовутлар ёки олдинги йиллардаги зарарларни кейинги даврларда солиқ базасидан чиқариш имконияти бўлса.

IAS 12 – “Фойда солиғи” стандартига кўра, кечиктирилган солиқ активи ва мажбурияти ҳар бир актив ёки мажбурият учун алоҳида ҳисобланиши лозим. Бу ҳисоб-китобда қўлланадиган солиқ ставкаси ҳисобот даврида амал қилаётган ёки қонунчиликда тасдиқланган келгуси ставка асосида аниқланади. Шунингдек, кечиктирилган солиқ мажбурияти ёки активини ҳисобга олишда уларнинг амалга ошиш эҳтимоли ва вақт омили ҳам инобатга олинади.

Жорий ва кечиктирилган фойда солиғи фарқлари

Ташкилий ва иқтисодий жиҳатлар	Жорий	фойда	солиғи
Кечиктирилган фойда солиғи			

Иқтисодий мазмун Ҳисобот давридаги солиққа тортиладиган фойда асосида ҳисобланади ва жорий тўлов мажбуриятини акс эттиради. Вақтинчалик

тафовутлар туфайли келгуси даврларда тўланиши ёки қайтарилиши кутилган солиқ суммасини акс эттиради.

Ҳисоб объекти Солиққа тортиладиган фойда ёки зарар. Актив ва мажбуриятларнинг бухгалтерия қиймати билан солиқ базаси ўртасидаги вақтинчалик фарқлар.

Ҳисоблаш асоси Миллий солиқ қонунчилигида белгиланган жорий ставка. Ҳисобот даврида амал қилаётган ёки қонун билан тасдиқланган келгуси солиқ ставкаси.

Ҳисоботда акс эттирилиши Асосий ҳисобот қисмида (P/L) солиқ харажатлари сифатида. Агар операция капиталда ёки ОСІда тан олинган бўлса, шу қисмда акс эттирилади. Келгусида амалга ошиши мумкин бўлган солиқ натижаси сифатида балансда актив ёки мажбурият сифатида. Акс эттирилиши тан олиш тамойилига боғлиқ.

Масаланинг ўзига хослиги Фақат жорий давр натижаларига таянади ва вақтинчалик тафовутларни ҳисобга олмайди. Келгуси давр солиқ юки ва имтиёзларини олдиндан акс эттиради, вақтинчалик тафовутларни инобатга олади.

Кечиктирилган фойда солиғи ҳисобининг иқтисодий аҳамияти шундаки, у молиявий ҳисоботда корхонанинг реал солиқ юкини кўрсатади. Фақат жорий солиқ миқдорини акс эттириш корхонанинг солиқ позициясини тўлиқ ифодаламайди, чунки вақтинчалик фарқлар келгусида катта солиқ тўловларига ёки ортиқча тўланган солиқларни қайтариб олиш имкониятига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, кечиктирилган солиқ ҳисобини юритиш инвесторлар, кредиторлар ва бошқа манфаатдор томонларга компаниянинг узоқ муддатли молиявий барқарорлиги ҳақида аниқ сигнал беради.

Тижорат банклари амалиётида кечиктирилган фойда солиғи айниқса муҳим ҳисобланади.

Банк активлари таркибида молиявий инструментлар, кредитлар, гаровлар ва асосий воситалар катта улушни эгаллайди. Уларнинг баҳолаш усуллари ва солиқ қонунчилигида белгиланган қоидалар кўп ҳолларда фарқ қилади.

Масалан, кредит портфели бўйича кутилган кредит йўқотишлари (ECL) бухгалтерия ҳисобига киритилса ҳам, солиқ ҳисобида улар фақат белгиланган шартлар бажарилганда инобатга олинади. Бу эса вақтинчалик тафовутни юзага келтиради ва кечиктирилган солиқ активи ёки мажбуриятини ҳисоблаш заруриятини туғдиради.

Кечиктирилган фойда солиғини ҳисоблаш жараёнида автоматлаштирилган ҳисоб тизимларидан фойдаланиш катта афзаллик беради.

Чунки вақтинчалик тафовутларни аниқ ҳисоблаш кўпинча қийин жараён бўлиб, қўлда ҳисоблашда хатолар эҳтимоли юқори.

Замонавий ахборот технологиялари бу жараённи тезлаштириш ва инсон омили таъсирини камайтириш имконини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 30 январдаги «Тижорат банкларида фойзаларни ҳисоблаш тўғрисида»ги 1306-сонли Низом
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2021 йил 26 ноябрдаги «Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасини тасдиқлаш тўғрисида» № 3336-сон
3. Хожақулов, А. (2022). “Ўзбекистон банк тизимида халқаро ҳисоб стандартлари қўлланилиши”. Молия ва ҳисоб журнали, №2, 34–45-б.
4. Носиров, И. (2023). “Фойда солиғи ҳисобининг миллий амалиёти”. Иқтисодий тадқиқотлар журнали, №4, 22–31-б.
5. Абдуллаев, Б. (2024). Банкларда молиявий ҳисобот ва таҳлил. – Тошкент: “Фан ва тараққиёт”.
6. Nobes, C., & Parker, R. (2021). Comparative International Accounting. Pearson Education.
7. Alexander, D., & Archer, S. (2022). International Financial Reporting Standards: Theory and Practice. Routledge.